O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

Uzun tumani, O‘zbekiston ko‘chasi 7-uy, 191100, tel.: (+99876) 44-73-545, uzun.t@exat.uz

2021 - yil 30 - iyun 41-8-118-Q/21 Uzun tuman hokimligi

Узун туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорларини бекор қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 24 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ–6075-сон Фармонида 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш белгиланганлиги инобатга олинсин.

2. Узун туман ҳокими томонидан қабул қилинган эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Матбуот хизмати А.Қурбонов мазкур қарорнинг расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор расман эълон қилингандан кейин кучга кириши белгилансин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш ҳоким ўринбосари З.Абданов зиммасига юклансин.

Ҳоким **TURSUNOV B. B.**

Узун туман ҳокимининг
2021 йил 30 июндаги
41-8-118-Q/21-сон қарорига
1-илова

Узун туман ҳокимининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари

РЎЙХАТИ

1. Узун туман ҳокимининг «Узун туманида ижтимоий ҳимояга мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида» 2012 йил 29 сентябрдаги 488-сон қарори.

2. Узун туман ҳокимининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарорига асосан туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини 2012 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2013 йил 21 февралдаги 137-сон қарори.

3. Узун туман ҳокимининг «Тракторлар, ўзиюрар шассилар, мелиоратив йўл-қурилиш машиналари ва трактор тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида» 2013 йил 22 мартдаги 201-сон қарори.